



РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ГЛОБАЛ РИСКЛАРНИНГ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

**Исманов Иброҳим
Набиевич**

ФарПИ, профессор и.ф.д.

Annotation

Ушбу мақолада рисковий ҳолатларни вужудга келиши эҳтимоллигини аниқлаш ва унинг оқибатларини баҳолаш, рискларни миқдорий баҳолаш ва рисковий соҳаларни аниқлаш ва рискларга таъсир этувчи омилларни ўрганилади.

Kalit so'zlar:

Риск - бу бўлиши мумкин бўлган, ўлчанадиган кўнгилсиз ҳолатлар бўлиб натижада даромад йўқотиш, товон тўлаш билан якунланади. Масалан, ноаниқлик, ностандарт форс-мажор вазиятда баҳони тушиб кетиши сабабли қутилган фойдани бир қисмини ололмасликни билдиради. Бу ҳолатда ноаниқлик ёки ахборотни тўла эмаслиги, маълумотни тўла ўрганилмаганлик тажрибасизлик оқибатида қарор қабул қилиш бўлади. Риск ноаниқлик вазиятда вужудга келади, натижада ҳаражат кўпаяди, иш вақти йўқотилади, фойда камайиб кетади. Бундай ҳолатлар тадбиркорни тажрибасизлиги, бошқарув компетентлиги етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлади. Ахборотлашган жамиятда катта ҳажмдаги маълумотлар технологияси WEB Miningдан фойдаланиб маълумотларни тўла таҳлил қилиб, ноаниқлик ҳолати ўрганилади, риск эҳтимоли бартараф этилади ва фирма қутилган натижага эришади.

Рискларни бошқариш методлари:

- Рискдан қочиш;
- Рискни заарасизлантириш;
- Риск фондлар яратиб, риск келтирган заарни қоплаш;
- Рискни ҳамкорларга узатиб юбориш;
- Рискларни кўчириш ва бўлиб ташлаш;
- Рискларни молиялаштириш, рискни олдини олиш;
- Рискларни суғурталаш.

Рискларни баҳолаш методлари:

Риск келтирган заарни экспертиза қилиш;

Риск рейтинг қилиб баҳолаш.

Рискларни ўрганиш ва уларни туркумлаш. Рисковий ҳолатларни вужудга келиши эҳтимоллигини аниқлаш ва унинг оқибатларини баҳолаш. Рискларни миқдорий баҳолаш ва рисковий соҳаларни аниқлаш ва рискларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Маркетинг рискларни, яъни баҳо рисклар, савдо рисклари, логистика рискларини алоҳида алоҳида ўрганиш.

Рискларни самарали баҳолаш дастурлари қўйидагилар:

Risky Project(Риск лойиҳа)

Welcom Risk(Рискка хуш келибсиз)

Pert Master(Перт устаси)

Microsoft Project(Макрософт лойиҳаси).

Шу дастурлардан фойдаланиб, рискларни гурухларга ажратиш ва реестрни тузиш мумкин.

Дунё бўйлаб ижтимоий ва иқтисодий соҳа ва тармоқларда рискли ҳолатларни вужудга келтирувчи омилларнинг энг кўп тарқалгани қўйидагилар:

1. Ransomware(тўлов дастури)
2. Phishing(фишинг)
3. Scamming(фирибгарлик)
4. Cryptojacking(нусха кўчириш)
5. Password attack(паролга хужум)
6. Insider threat(ички таҳдид)
7. Spamming(спам юбориш)

Булардан ташқари маълумотларни ишдан чиқариш маълумотларни бузиш, ўзгартириб юбориш учун дастурчилар бир нечта вирусларни яратдилар.

Троянлар вируси одатда интернет орқали тарқалади ва компьютерингизга ўрнашиб олади ва дастлаб сизга фойдали дастурдек туюлади. Аммо ўзларининг яратувчисига хизмат қиласди.

Чувалчанг вируси у жуда тез кўпаяди. Вируслар электрон хатлар ёки бошқа тез тарқалувчи механизмлардан фойдаланади. Вируслар компьютерингиздаги электрон хатни очишингизда ўрнашиб олади.

Диск вируслар компьютерингизни очишингиз билан компьютерингиз ишламай қолади.

Марко вируслар улар одатда Microsoft Word ёки Excel хужжатларни зарарлайди, бузади ва ишдан чиқаради.

Оператив хотирада яшовчи вируслар. Бу вируслар компьютерингизнинг оператив хотирасида яшайди ва муълумотларни бузади. Буни ишга тушириш учун бошқа вирусдан фойдаланади. Ишга тушириш учун ёрдам берган вирус йўқотилса ҳам у компьютер хотирасида қолади, шунинг учун унга оператив вирус дейилади.

Bootkіr вируслар ўзларининг энг хавфлилиги ва яширинишга усталиги билан ажралиб туради. Бу вирусни антивирус дастури ҳам билмайди. Чунки бу вируслар ўзларининг оператив тизим файллари сифатида кўрсатишади.

Вақт бомбаси вируслари вақти келганда тасодифан ишга тушади. Масалан 1 апрелда (кулги кунида), 8 марта ёки байрамларда компьютерингиздаги маълумотларни ўчириб ташлаб сизга “совға” тайёрлайди.

Ўзгарувчан вируслар ўз-ўзидан кўпаяди ва кодларни ўзгартириб юборади. Бу вирусларни антивирус дастурлар пайқаб қололмайди. Бу юқоридаги вируслар маълумотлар базасини бузади, кодларни чалкаштириб юборади. Натижада компаниялар (фирмалар) зарар кўришади.

Давос шаҳрида 2017 йил Халқаро иқтисодий форум бўлиб, “The Global Risks Report” унда йиллик ҳисботи эшитилди. Ҳисботни тайёрлаш вақтида 750та эксперчиларнинг иқтисодиётда 30 та кенг тарқалган глобал рисклар тўғрисидаги фикрлари ўрганилди ва рақамли иқтисодиёт ривожланишида рискларни баҳолаш, уларнинг бошқаришда рақамли технологиялар Bigdata , булутли технологиялар, буюмлар интернети ва сунъий интеллект технологиялардан фойдаланиш тавсия этилди. Айниқса, иқтисодиётда, электрон бизнес ва электрон тижоратда атроф-мухитни ҳимоя қилишда, анъанавий иқтисодиётдан рискларни бошқариш методларидан, бозор механизмларидан воз кечиш ва IT технологияларидан фойдаланиш ўта аҳамиятли эканлиги тўғрисида изоҳ берилди. Молия ва иқтисодий рисклар умумий бўлиб, улар билан иқтисодчилар, молиячилар, социологлар, математик-эҳтимолчилар, файласуфлар ва экологлар шуғулланган бўлсада, уларнинг методикалари, дунё қарашлари рақамли иқтисодиётда ўз аҳамиятини йўқотди.

Ахборотлашган жамиятда тубдан янги атамалар, тушунчалар, муносабатлар, билимлар шаклланди. Адам Смит ҳам тадбиркорлик фойдаси моҳиятини ўрганганида, риск учун тўловлар фондини заҳиралаш зарурлигини белгилаган. Кейинчалик молия ва иқтисодий рискларни уч шаклга бўлишган:

- Пулнинг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ риск;
- Капитал қўйилмалар, инвестициялар билан боғлиқ риск;
- Хўжалик юритиш шакллари билан боғлиқ риск.

Пулнинг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ рисклар инфляция, ишсизлик ва валюта курси рискларидир. Шу билан бирга кредит рисклар ва ҳоказо ўрганилган. Юқоридаги ҳолатлар бўйича риск омиллари таҳлил қилинади, ноаниқлик шароитида омилларни риск эҳтимолига таъсири, рискларни вужудга келиши ва рискдан келган зарар ўрганилади, баҳоланади. Шундай қилиб ишлаб чиқариш жараёнида ходимлар ўртасида меҳнат интизомини бузилиши, иш вақтини йўқотилиши ходимлар билан менежер ўртасида конфликтни пайдо бўлиши, жарималар тўлаш ва корхонада кутилаётган фойдани йўқотилиши содир бўлган.

Рискни олдини олиш учун перфекционизм – иш жараёнида ўзини-ўзи бошқариш тизимини қўллаган MacDonalds бизнесда янги маҳсулот, идеал хизмат, идеал сайт, идеал тизим, идеал реклама ва идеал интернет портал яратди ва иш вақти фондини йўқолиши рискни олдини олди. Компания савдони 72 қоидасини ишлаб чиқди ва рискни самарали бошқарди. MacDonalds компанияси биринчилардан бўлиб ходимлар ичида “ўғри ходимни” аниқлади. Компанияда 1 соат ишчи вақти “ўғирланса”, у қанча сўмга тушади? Масалан, 1 та ходим 3m^2 жойни эгалласа, унда офисни умумий ҳажми ва аренда баҳосини ҳисбласак. 3 миллион сўм маош оладиган ходим компания учун 3,2-3,5 млн. сўмга тушади. Ходимнинг бир соат иш вақти компанияга қанчага тушишини ҳисблансак: 3,5 млн. сўм бир ойда 25 кун иш куни. Ходим ўз вазифасини тўла бажармаяпти ва ҳар

соатда ходим компаниядан ўртacha 2,5 минг сўм “ўғирлаган” буни у доим такрорлаган.

Ходим ўртacha бир кунда 8 соат ишласа ва чекиш учун танаффус, шериги билан гаплашиш, телефонга жавоб бериш, On-line ўйинлар кўриш, ҳожатга бориш ва ҳоказолар бўлиб ходим компаниянинг 17 минут иш фондини “ўғирляяпти”. Ҳамма ходимлар қанча иш вақтини ўғирляяпти. Бу ҳолатни қандай тўхтатиш мумкин? Рақамли технологиялар буни ечимини топди. Компания дастурчи – оператори яратган “Электрон калькулятор” ходимларни 8 соатлик тўла иш вақтини назорат қиласи ва меҳнат интизомини бузганлар учун жарималар белгиланди. Ходимлар учун электрон дневник юритилади. Бу усулни Дж.Электрик, Дж.Матрос, Тайота компаниялари қўлламоқда. Интернет тармоқлари ва ахборот технологиялари таъсирида замонавий бозор муносабатлари тубдан ўзгариб кетди. Электрон бизнес ва электрон тижорат бозор механизмларини мутлоқ янгилаб виртуал маконларда, интернет таъсирида йирик ва барқарор савдони ривожлантириб юборди. Масалан, Амазон ва Алибаба компаниялари мисолида қўришимиз мумкин.

Буюмлар интернети таъсири остида Алибаба глобал электрон бозор ташкил этди ва чакана савдода айланмаси бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Савдо тушумларида савдо майдончасида ҳамма бир хил операцияни турли ҳаражатлар билан бажарсаларда рискларни жиловлади. Рақамли иқтисодиётда савдо агентлари виртуал маконларда On-line режимида рақамли сотувчи ва рақамли истеъмолчи маконида масофадан савдо қиласида. Истеъмолчилар савдо брендларига қизиқишида. On-line ахборотларни кенг ва чукур ўрганишида. Натижада ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи сотувчи ва мижоз ўртасидаги муносабатлар ҳамкорликка айланади. Рақамли истеъмолчилар товар ва хизматларни сотиб олади ва сотишида.

Ҳар олтинчи американлик фуқаролар товарларни сотиб олади ва сотади. Американик 30-40 ёшдагилар ҳар куни интернетга кирадилар ва савдо-сотик қилишида. Минглаб турли хил товарларни баҳолари ўрганилади ва уларни сотиб олишида. Ҳам сотишида. Шунингдек, On-line тўловларни амалга оширади. Ушбу ҳолатда “электрон бозорда” (C2C, B2B бизнес моделлар) ривожланади.

XXI асрда янги рақамли ахборот технологияларининг юқори суръатда ривожланиши бир томондан жуда кўплаб эски ва ўрта касб эгаларининг ишдан бўшаб кетишини вужудга келтирса, иккинчи томондан рақамли иқтисодиёт учун янги профессионал кадрлар тайёрлаш кўрсаткичи ахборот технологияларини ўсиш суръатидан анча орқада қолмоқда. Рақамли иқтисодиёт ходимлардан доим ўз устида ишлаш, малака ошириш, янги билимларни ва касбий компетентликка эришишни талаб қилмоқда. Ахборот технологияларининг ривожланиши рақамли касб билимларни тез эскиришига олиб келаяпти, рақамли иқтисодиёт ижодий меҳнат иқтисодиёти бўлгани учун ишсизлик риски доимо хавф солмоқда. Блоомбрег ва Бостон консалтинг аудит группа мутахассислари хулосасига кўра 2040 йилларга бориб рақамли инқилоб(саноат 4,0) таъсирида дунёда 50 фоиз касбларга талаб бўлмайди. Ишсизлар армиясига минглаб “солдатлар” кўшилиш риски эшик қоқмоқда. 2020-2023 йилларда %да иқтисодиёт тармоқларида иш жойларининг динамик ўзгаришлари қуйидагича бўлиши мумкин.

жадвал - 1
Йиллик % ларда

| Big data технологияси маълумоти | кўпайтириш | қисқартириш |
|--|-------------------|--------------------|
| Математика ва информатика | 4,60 | Йўқ |
| Бошқарув ходимлари | 1,39 | Йўқ |
| Молия таҳлилчилари | 1,34 | Йўқ |
| Савдо ва савдо аналитиклари | 1,25 | Йўқ |
| Офис ходимлари | | 6,06 |
| Буюмлар интернети маълумоти | | |
| Администрация ва дастурчилар | 4,54 | Йўқ |
| Проектлаш ва инженер таҳлилчи | 3,54 | Йўқ |
| Техник хизмат кўрсатиш ремонт ва технологияларни ўрнатиш | йўқ | 8,0 |
| Ишлаб чиқариш технологиялари ва 3D нашр | йўқ | 3,60 |
| Роботлаш ва автоматлаштириш | 2,1 | Йўқ |

Консалтинг группа мутахассислари фикрича роботлаштириш ва автоматлаштириш жуда кўп ишсизликни келтириб чиқаради. Экспертлар фикрича бир томондан ишсизлар кўпаяди, иккинчи томондан професионал кадрларга талаб ошиб кетади.

Янги рақамли технологиилар ҳамма соҳа ва тармоқларда пайдо бўла бошлади, ақлли кассалар, шофферсиз автомобиллар, учувчи дронлар оқибатида шоффёрлар, учувчилар, кассирлар, ҳисобчилар ишсиз қолди, кераксиз одамларни нима қиласайлик, фақат қайта ўқитиши касбга тайёрлаш орқали уларни ишга жойлаш мумкин.

Рақамли иқтисодиётда ишсизлик риски тез ривожланиб қатор корхоналар банкротликка кетмоқда. Ишсизлик турли шаклларда намоён бўлмоқда, ўзини-ўзи банд қилиш, ишга кириш, арендага сотиши, вақтинчалик ишсизлик, доимий ишсизлик ва яширин ишсизликлар вужудга келади. Жойларда мономарказлар очилган бўлиб, вақтинча ишсизларнинг касбга қайта ўқитилмоқда. Уларга ҳуқуқшунос маслаҳати замонавий касбларни таклиф қилишади. Масалан, рақамли маркетинг мутахассислиги, дизайнер, тармоқда ҳуқуқшунослик, операторлик, ҳаттоқи ТОП-5 рўйхатидаги касбларга тайёрлаш, рақамли проектлар, лойиҳалар бошқарувчиси ва ҳоказолар. Рақамли технологииларнинг ривожланиши билан рақамли тенгсизлик, даромадлар тенгсизлиги ва ижтимоий тенгсизлик каби рисклар пайдо бўлмоқда. Масалан, АҚШ фуқароларининг 10 фоизи (34 миллион) 25 Mbps/3Mbps(интернет ишлаш тезлиги) хизматларидан фойдалана олмайди, қишлоқ аҳолисининг 39 фоизи (23 миллион) юқоридаги хизматлардан фойдалана олмайди. Шу билан бирга АҚШда оптик толали алоқадан фойдаланувчилар сони 11 фоиз бўлиб, Япониядан, жанубий Кореядан, Латвиядан орқада қолмоқда. Ж.Байден АҚШ учун 1,9 триллион долларлик рағбатлантирувчи фонд ташкил қилди ва қуидагича тақсимлади: қишлоқ хўжалигида АҚТ ривожлантиришга 16 млн. доллар кичик бизнесни рақамлаштиришга 59 млн доллар COVID-19

юмшатишига 123 млн. доллар таълимда рақамли технологияларни қўллашга 176 млн. доллар транспорт хизматларини экологик стандартларга ўтказишига 56 млн. доллар соғлиқни сақлашда сунъий интеллектлардан фойдаланишига 105 млн. доллар ҳукумат хизматларини рақамлаштиришига 360 млн. доллар аҳоли жон бошига ЯИМ 60 минг долларга teng.

АҚШ энг қудратли давлат бўлсада рақамли иқтисодиёт нотекис ривожланган бўлиб, жуда кўп ёшлар таълим ололмайди, ишсизлик риски ривожланиб бораяпти, ижтимоий муаммолар мавжуд: ижтимоий инфраструктура, меҳнат бозоридаги муаммолар, оиласвий даромад, коммуникация технологиялари, мактабларда ахборот технологиялар фанини ўқитилиши талаб даражасида эмас. Рақамли иқтисодиётда одамлар ўртасида касб-хунар, профессионал билим, касбий компетентлик, рақамли саводхонлик кескин бир-биридан фарқ қилади ва ишсизлик риски кучаяди.

Ўзбекистон ва Россия давлатларида меҳнат бозори таркибий тузилишини таҳлил қилиш мақсадида, соҳа мутахассиси Й.Расмуссен методикасидан фойдаландик. Ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда барча банд бўлганларнинг учта категорияга бўлиб ўргандик: ишини уddyлай олишлиқ, одатий бандлик ва билимга асосланиб банд бўлиш.

Биринчиси, ўз ишини уddyлай олишилкда банд бўлиш учун маҳсус тайёргарлик, малака ошириш шарт эмас, чунки меҳнат жараёни бир хил такрорланади. Масалан, сотувчилик, шофёрлик, ташиб, узоқ-узоқларга автомашинада юк ташиб, пахтакор ва бошқалар.

Одатдаги бандлик бу ҳам ижодий изланиш талаб қилмайди, ўз касбини устаси масалан, токар, сварщик, қурувчи, медперсионал, менежер ва бошқалар.

Учинчи категория: билимга асосланиб ёки билимга асосланган меҳнатда банд бўлиш, олий маълумот дипломни талаб қилади. Бу категорияда одамларда, ижодий фикрлаш, ижодкорлик, касб маҳорати, ноодатийлик, касбий компетентликка эга бўлган олимлар, архитекторлар, раҳбарлар, врачлар ва бошқалар.

Россия, Ўзбекистон рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнларини бошидан кечирмоқда. Интернетга уланиш вилоятлар кесимида, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида, йирик шаҳарларда ўзига хос хусусиятларга эга. Россияда банд бўлган аҳолининг 80 фоизида рақамли саводхонлик ва касбий компетентлик етишмайди, Ўзбекистоннинг 21, 8 млн меҳнатга лаёқатли одамлардан деярли 91 фоизида етишмайди, уларни касбга тайёрлаш, қайта малакасини ошириш ва техник билимларини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ҳозирда Россия 35-37 фоиз аҳоли паст малакали меҳнат билан шуғулланади. Билим сифимкорлиги юқори бўлган ижодий меҳнат билан 17-18 фоиз аҳоли банд, Ўзбекистонда эса халқ хўжалигида ўртача 41 фоиздан кўп аҳоли паст малакали ишларда ишлашади ва бу касбга меҳнат бозорида талаб кўп бўлиб Ўзбекистонда таълим тизими замон талабидан орқада қолмоқда, ўқитувчиларни деярли 90 фоизини қайта ўқитиб, касбий компетентлигини ошириш керак бўлади.

Ўзбекистонда 10700та мактаб бор. Шулардан 1630 таси таъмирлаш зарур, 176 та мактаб пахсадан қурилган, 2000та мактабда спорт зали йўқ, 640та мактабда кутубхона йўқ. 2023 йилда 500та замонавий мактаб қурилади. 504мингта ўқитувчи

1-sho‘ba. O‘zbekiston iqtisodiyoti va boshqa sohalarida raqamlashtirish jarayonlari.

бўлиб, улардан 290мингтасида олий маълумот дипломи йўқ. Шулардан келиб чиқиб давлатимиз саводсизлик рискини олдини олиш учун таълим тизимини ислоҳ қилишга 55трлн сўм 11,7млрд. доллар инвестиция киритмоқда. 120минг янги ўкувчилар ўрни яратилади ва таълим сифати оширилади. Шу билан таълим сифати яхшиланади ва мактабларда, олий таълимда EYLEVL тизимидан фойдаланилади.

Бу давлатларда иш билан бандликда аҳолининг катта қисми билим сифимкорлиги юқори бўлган ишларда ишламаса ва мактабларда, ОТМларда таълим сифатини оширилмаса, етарли маблағлар сарфланмаса бозорда ҳам меҳнат бозорида ҳам ва таълим тизимида ҳам рақобатдошлик бўлмайди. Ишсизлик риски кучайиб боради. Шунинг учун рискларни бартараф этиш ёки уларнинг бошқариш рақамли иқтисодиётнинг долзарб масаласига айланмоқда.

жадвал – 2



Қишлоқ хўжалигига рискларни мониторинг қилиш жуда мураккаб чунки қишлоқ хўжалигига ер асосий омил ҳисобланади, ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга шунинг учун агар рискларда табиий омилнинг роли катта. Масалан қишлоқ хўжалигига агар рискларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланмоқдалар.

Хитой республикасида 20 миллион гектар ерга пахта экилади ва одамлар кўра олмайдиган жойларга бориши, ерда туриб кузатиб бўлмайдиган нарсаларни кўриш қобилияти заарқуннадалардан(ҳашаротлар) ҳимоя қилиш, минерал ўғит, гербицитларни қўллаш, ерларни суғориш ва ҳосилнинг йиғиши муддатлари ҳақида

ҳақиқий маълумотларни (технология) дрон етказиб беради. Ҳосилни йўқотиш риски бартараф бўлади.

Блокчейн ҳаяжонли ва тушунарсиз технология бўлсада, озиқ-овқат саноати учун катта имконият яратади. Масалан, пиво етказиб бериш тармоқларидағи Канада компаниялари Walmart глобал озиқ-овқат тармоғи маълумотларини ўрганиб маҳсулотни келиб чиқиши, экологик тозалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қиласди, уларнинг ишончли сақлайди. Шу билан бирга маълумотларнинг таҳлили фермерлар ва озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тармоқлар учун мазмунли янги тушунчаларни очиб беради. Bigdata катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш технологияларидан ахборотларни бузилиши рискини таҳлил қилишда фойдаланилади. Рақамли иқтисодиётда биз фойдаланаётган энг арzon ва айни пайтда энг қимматли ресурс бу – ахборотдир[2-5]. Қанча кўп ахборотга эга бўлсангиз шунча кўп бизнесингиз фойда келтиради ва ғолиб бўласиз. Дунёда 194 та давлатдан 137 тасида ахборот хавфсизлиги таъминланган, қолган 57 та давлатда ахборот хавфсизлиги бузилган. Ҳозир дунёда бузилган маълумотларни топиш учун 207 кун ва уларни қайта ишлаш учун эса 70 кун вақт талаб қилинмоқда. 2021 йили бузилган ахборотлар натижасида бутун дунёда 6 трлн. АҚШ доллари миқдорида зиён кўрилди. Дунё иқтисодиётига бундай зарар кўришлик рискларни бошқаришда рақамли технологияларидан фойдаланишни кун тартибига қўймоқда.

Қишлоқ хўжалигига об-ҳавони ўзгариб туриши, иқлим ўзгариб ҳавони исиб кетиши, сув ресурсларни етишмаслиги тупроқни деградацияга учраши, ҳосилдорликни пасайиб кетиши, ўсимликларда турли хил касалликлар: шира, ўргимчак, ёввойи үтлар, ҳашаротлар ва бошқалар таъсирида бўлади.

Атроф-мухит ифлосланиши. CO₂ газларини атмосферага чиқарилиши, аҳоли ўртасида турли хил касалликларни кўпайиши, юқори малакали врачларнинг етишмаслиги, инфратузилма ва технологияларнинг сифати пастлиги ва рақамли мутахассисларнинг дефицитлиги ва ҳоказолар агроэкологик рискларни келтириб чиқаради. Аграр ва экологик рискларнинг хусусияти аграр-экологик, иқтисодий-ижтимоий, гигиена-санитария ва инфраструктуравий рисклар бир-бири билан қўшилиб чирмашиб кетади. Аграр-экологик рискларнинг биргаликда комплекс ўрганиш лозимдир.

Россия қишлоқ хўжалигига рақамли технологиялардан бошқа ривожланган давлатларга нисбатан бироз орқада қолмоқда. Россия қишлоқ хўжалиги вазирлиги берган маълумотларга кўра ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигига 1000 ишчига фақатгина 5 та IT мутахассиси тўғри келмоқда, шунингдек қишлоқда ҳар бир гектар ерга қилинган инвестициялар бор йўғи 10 рублни ташкил қилмоқда. Бу рақамларни Европа иттилоғи мамлакатлари билан солиштиргандан 25 та IT мутахассиси ва ҳар бир гектар ерга 350-500 рубл атрофидаги инвестициялар амалга оширилмоқда. Россия қишлоқ хўжалигига IT технологияларнинг кириб келиши бўйича 45 ўринни эгаллади ва фақатгина 10 фоиз ерларда бу технологиялар қўлланилмоқда. Қишлоқ хўжалигига қўлланиладиган рақамли технологиялар:

- Роботлар;
- Буюмлар интернети ва сенсорлар;
- Сунъий интеллект;

- Дронлар;
- Блокчейн;
- Булатли боғланиш;
- Маълумотлар таҳлили Big data.

Хозирда роботлар қайта ишлаш корхоналарида молларни боқади, сигир соғади, ўтларни ўради ва гўшт кесади.

Деҳқончиликда робототехника 5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ глобал бозорни ташкил қилган бўлса 2030 йилга келиб бу икки-уч баробарга ошади. Буюмлар интернети ва сенсорлар, сунъий интеллект деҳқончилик ва чорвачиликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайвонларга ём-хашиб, корма тайёрлашда қатор вазифаларни бажармоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi PF-60-soni — 2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida Farmoni, www.lex.uz
2. Yusupov, N. S. (2024). TADBIRKORLIK FAOLIYATIDA LOYIXAVIY BOSHQARUVNI RIVOJLANTIRISH TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI. PEDAGOGS, 59(1), 202-207.
3. Алматаев Т. О., Давидова Д. Т., Султанов А. А. ПУТИ ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ИНТЕГРАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И ПРОМЫШЛЕННОСТИ //Universum: технические науки. – 2023. – №. 9-2 (114). – С. 38-41.
4. Давидова Д. Т. СУҒУРТАДА АҲБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕЗОНЛАРИ //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2023. – Т. 2. – №. 23. – С. 56-62.
5. Mamayev B.N. RAQAMLI TEHNOLOGIYALARDAN FOYDALANGAN HOLDA RAQAMLI MARKETING ELEMENTIDAN BIRI INTERNET-REKLAMADAN FOYDALANISHNING TENDENSIYALARI Vol. 1 No. 8 (2022): O’ZBEKİSTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMİY TADQIQOTLAR JURNALI /